

БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚУЛЧИЛИКНИНГ ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ (“ТУҲФАТ УЛ-ХОНИЙ” АСОСИДА)

Курбанов Кароматилло Исматиллоевич

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти таянч докторанти

E-mail: karomatullokurbonov1986@gmail.com

УДК: 94(575.1):326:32

<https://orcid.org/0009-0008-2442-2009>

Аннотация: Ушбу мақолада XVIII аср Бухоро амирлигида қулчилик муносабатларининг ҳарбий ва сиёсий функциялари Мухаммад Вафо Карминагий қаламига мансуб “Тухфат ул-хоний” асари асосида таҳлил қилинади. Тадқиқотда асирлар олиш амалиётининг ҳарбий юришлар билан боғлиқлиги, қулчиликнинг аҳолини бўйсундириш, сиёсий назорат ўрнатиш ва давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашдаги ўрни очиқ берилди. Шунингдек, қулчилик муносабатларининг нафақат иқтисодий, балки сиёсий восита сифатида ҳам амал қилгани илмий жиҳатдан асосланади. Мақола натижалари Бухоро амирлигида қулчилик тизимининг кўп қиррали ва функционал хусусиятга эга бўлганини кўрсатади.

Таянч сўзлар: Мухаммад Вафо Карминагий, Тухфат ул-хоний, Бухоро амирлиги, қулчилик муносабатлари, асирлар, ҳарбий юришлар, сиёсий назорат, давлат ҳокимияти, қулчилик тизими, ҳарбий-сиёсий муносабатлар.

Аннотация: В данной статье на основе произведения Мухаммад Вафо Карминагий «Тухфат ул-хоний» анализируются военные и политические функции рабовладельческих отношений в Бухарском эмирате XVIII века. В исследовании раскрывается связь практики захвата пленных с военными походами, а также роль рабства в подчинении населения, установлении политического контроля и укреплении государственной власти. Кроме того, научно обосновывается, что рабовладельческие отношения выполняли не только экономическую, но и политическую функцию. Результаты исследования показывают, что система рабства в Бухарском эмирате имела многогранный и

функциональный характер.

Ключевые слова: Мухаммад Вафо Карманагий, Тухфат ул-хоний, Бухарский эмират, рабовладельческие отношения, пленные, военные походы, политический контроль, государственная власть, система рабства, военно-политические отношения.

Abstract: This article analyzes the military and political functions of slave relations in the Bukhara Emirate during the eighteenth century on the basis of Muhammad Vafo Karmanagiyy's work “Tuhfat ul-xoniyy.” The study reveals the connection between the practice of capturing prisoners and military campaigns, as well as the role of slavery in subordinating the population, establishing political control, and strengthening state authority. In addition, the article scientifically substantiates that slave relations performed not only economic but also political functions. The results of the study demonstrate that the system of slavery in the Bukhara Emirate possessed a complex and multifunctional character.

Keywords: Muhammad Vafo Karmanagiyy, Tuhfat ul-xoniyy, Emirate of Bukhara, slave relations, captives, military campaigns, political control, state authority, slavery system, military-political relations.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUSTION). Бухоро амирлиги тарихида қулчилик муносабатлари одатда иқтисодий тушунча сифатида талқин қилинган. Бироқ XVIII аср сиёсий воқеалари таҳлили шуни кўрсатадики, қулчилик фақат меҳнат манбаи эмас, балки давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга хизмат қилган муҳим ҳарбий-сиёсий восита сифатида ҳам амал қилган. Айниқса, манғитлар сулоласининг ҳокимиятни қўлга киритиши ва марказлашган давлатни

шакллантириш жараёнида асирлар олиш, уларни тақсимлаш ва кулчилик муносабатларини кенгайтириш давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланган. Мазкур масалани тадқиқ этишда “Тухфат ул-хоний” асари муҳим манба ҳисобланади. Муҳаммадвафо Карминагий (1685-1769) қаламига мансуб ушбу асар [1] Бухоро амирлигининг XVIII асрдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритиш билан бирга, асирлар олиш амалиёти ва кулчилик муносабатларининг шаклланишига доир бевосита маълумотларни ҳам ўзида мужассам этган. Шу жиҳатдан, манба кулчиликни фақат ижтимоий ҳолат эмас, балки ҳарбий ва сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ тизим сифатида таҳлил қилиш имконини беради.

Бухоро амирлигининг XVIII асрдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритувчи муҳим манбалардан бири – Муҳаммадвафо Карминагий қаламига мансуб “Тухфат ул-хоний” (“Тухфат ул-хоқоний”) асари бўлиб, у “Тарихи Раҳимхоний” номи билан ҳам маълум. Ушбу асар манғитлар сулоласи тарихини ўрганишда дастлабки ва асосий манбалардан бири ҳисобланади. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми (1722-1769 йй.) Муҳаммадвафо Карминагий (1685-1769) томонидан ёзилган, иккинчи қисми эса Дониёлбий топшириғига биноан Олимбек Ниёзкулибек Эшон ўғли томонидан ёзилиб, 1769-1782 йиллар воқеаларини қамраб олади.

Манбада Муҳаммад Ҳакимбий оталиқнинг сўнгги аштархоний ҳукмдор Абулфайзхон саройидаги нуфузининг ортиши, Муҳаммад Раҳимбийнинг сиёсий ва дипломатик фаолияти, унинг ҳокимият тепасига келиш жараёни ҳамда марказлашув сиёсатининг асосий йўналишлари батафсил ёритилган [4:264]. Шунингдек, Дониёлбий оталиқнинг сохта ҳукмдорлар орқали давлатни бошқаргани ва Шохмуроднинг тахтга чиқиши учун яратилган сиёсий шароитлар таҳлил қилинади.

Мазкур асарнинг кулчилик муносабатларини ўрганишдаги аҳамияти шундаки, унда кулчиликнинг асосий

манбалари сифатида ички сиёсий курашлар ва ташқи ҳарбий тўқнашувлар кўрсатилади. Хусусан, Эрон билан бўлган урушлар натижасида асирлар олиш амалиёти кенг тарқалгани таъкидланади. Бу ҳолат, айниқса, шайбонийлар ва сафавийлар ўртасида Мовароуннаҳр ва Хуросон учун олиб борилган мазҳабий (сунний-шиа) қарама-қаршиликлар доирасида аҳолининг асирга олиниши ва уларнинг қулга айлантирилиши билан боғлиқ жараёнларда яққол намоён бўлади [3: 48-49].

Ушбу тадқиқотда тарихий таҳлил, қиёсий-тарихий ва манбашунослик усуллари қўлланилди. Шунингдек, манба матнида келтирилган маълумотларни чуқур ўрганиш мақсадида матн таҳлили ва тизимли ёндашув қўлланилди. Тадқиқот жараёнида кулчилик муносабатлари ҳарбий, сиёсий ва ижтимоий омиллар билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилинди. Манбани ўрганишда муаллифнинг нуқтаи назари ва баён услубини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Бухоро амирлигида кулчилик муносабатлари анъанавий тарзда тушунилганидек фақат меҳнатга асосланган ижтимоий ҳолат эмас, балки ҳарбий ҳаракатлар, сиёсий курашлар ва давлат қурилиши жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлган мураккаб тизим сифатида шаклланган. Айниқса, манғитлар сулоласининг ҳокимиятни мустаҳкамлаш жараёнида асирлар олиш амалиёти мунтазам характер касб этиб, кулчилик муносабатларининг асосий манбаларига айланган.

Манба маълумотлари асосида аниқланишича, кулчилик муносабатлари учта ўзаро боғлиқ йўналишда намоён бўлган. Биринчидан, у ҳарбий натижа сифатида – урушлар, босқинлар ва ички зиддиятлар оқибатида шаклланган. Иккинчидан, у сиёсий восита сифатида – аҳолини бўйсундириш, кўркитиш ва ҳокимиятга итоатни таъминлашда қўлланган. Учинчидан эса, у давлат бошқаруви доирасида муайян вазифаларни

бажарувчи тизим сифатида амал қилган. Бу жиҳатдан, кулчилик амалиёти тасодифий ёки пароканда ҳолат эмас, балки муайян тартиб ва мақсадга йўналтирилган жараён бўлгани кузатилади.

Тадқиқот жараёнида аниқланган яна бир муҳим жиҳат шундаки, асирлар фақат иқтисодий ресурс сифатида эмас, балки сиёсий ва мафкуравий назорат объекти сифатида ҳам қаралган. Жумладан, асирларнинг оммавий равишда марказга олиб келиниши, уларни кўрикдан ўтказиш ва тоифаларга ажратиш амалиёти давлат томонидан назорат қилинганини.

Асарда Нодиршоҳнинг Бухорога юриши ва ундан кейинги ҳарбий ҳаракатлар ҳам кулчилик муносабатларининг шаклланишида муҳим омил сифатида тилга олинади. Жумладан, унинг Хоразмга юриши чоғида туркман аҳолисининг асирга олиниш хавфидан қочиб, чўл ҳудудларига чекиниши қайд этилади. Шунингдек, Эрон кўшинлари таркибида иштирок этган Муҳаммад Раҳимбийнинг ҳарбий фаолияти ва асирга олиш амалиёти ҳақида маълумотлар келтирилади.

Муҳаммадвафо Карминагийнинг маълумотларига кўра, Муҳаммад Раҳимбий томонидан олиб борилган жангларда турк аскарларининг асир олиниб, Нодиршоҳ ихтиёрига топширилгани қайд этилади [1: 62]. Манбада асирларнинг кейинги тақдири аниқ кўрсатилмаган бўлса-да, уларнинг кулга айлантирилган бўлиши эҳтимоли юқори.

Нодиршоҳ вафотидан сўнг эса минтақадаги сиёсий вазият кескин ўзгариб, Эрон томонидан Бухорога қарши бир неча марта ҳарбий юришлар амалга оширилган. Ушбу юришлар давомида аҳолининг асирга олиниши ва кулга айлантирилиши ҳолатлари кузатилади. Кейинчалик Муҳаммад Раҳимбийнинг сиёсий нуфузи ортиши натижасида қизилбошлар билан муносабатларда маълум даражада яқинлашув кузатилиб, улар томонидан асирлар ва кулларни қайтариш орқали сиёсий келишувга эришишга уринишлар амалга оширилган [1: 119].

Манғитлар сулоласининг аштархонийлар

ўрнини эгаллаш жараёнида мамлакатда сиёсий беқарорлик ва ҳокимият учун курашнинг кучайиши ижтимоий ҳаётда жиддий издан чиқиш ҳолатларини келтириб чиқарди. Мазкур вазиятдан фойдаланган айрим маҳаллий кучлар томонидан турли ҳудудларда талон-торож, зўравонлик ва аҳолини кўрқитишга қаратилган ҳаракатлар авж олди. Манбада бу ҳолатлар “мамлакатнинг турли чеккаларини қамраб олган зўравонлик ва талончилик тўлқини” сифатида ифодаланади [1: 67].

“Тухфат ул-хоний” асарида қайд этилишича, манғитлар ҳокимиятга келган дастлабки йилларда йирик ер эгалари ва маҳаллий ҳокимларнинг марказдан мустақилликка интилиши кучайган. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий парокандаликни чуқурлаштириб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатган. Энг муҳими, ушбу жараёнлар натижасида асирлар ва куллар сонининг кўпайиши кузатилган.

Манбада келтирилган мисоллар бу ҳолатнинг амалий кўринишини яққол намоён этади. Жумладан, Қобилбий кенаси Шаҳрисабз ҳудудида кенг кўламли талончилик ва зўравонликлар амалга ошириб, маҳаллий аҳолини оммавий равишда талафотга учратган. Худди шундай, Ибодуллоҳбий хитой Миёнқол ҳудудида аҳолига нисбатан босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириб, уларнинг мол-мулкини тортиб олган ва ҳуқуқларини поймол этган [1: 68]. Бундай шароитда хонадонларидан, мулкидан маҳрум бўлган аҳолининг бир қисми учун кулликка тушиш деярли ягона “ижтимоий чиқиш йўли”га айланган.

Шу билан бирга, манбада айрим ҳолларда асирларни озод этиш амалиёти ҳам қайд этилади. Масалан, Ғайбуллоҳбий ва Тағоймурод томонидан Ибодуллоҳбийга қарши ҳарбий ҳаракатлар натижасида бир қатор бухоролик асирлар озод қилиниб, ўз юртларига қайтарилган [1: 69]. Бироқ ушбу ҳолат барча асирларни қутқариш имкони мавжуд бўлмаганини кўрсатади. Аксинча, асирлар оқимининг давомийлиги кулчилик муносабатларининг тизимли характер касб

этганидан далолат беради.

Муҳаммад Раҳимхон даврида ҳам ҳарбий юришлар асирлар олиш ва улардан иқтисодий ресурс сифатида фойдаланиш амалиёти билан узвий боғлиқ бўлган. Жумладан, Қобилбий кенагасга қарши юришларда қўлга киритилган асирлар ва ўлжа (ғанимат)лар давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш воситаси сифатида хизмат қилган. Шу билан бирга, манбада Муҳаммад Раҳимхон томонидан айрим асирларни озод этиш ҳолатлари ҳам қайд этилади [1:87-88]. Бу эса ҳокимиятнинг легитимликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий стратегияси сифатида баҳоланиши мумкин.

Асирларни озод этиш жараёнининг махфий тарзда, ишончлик шахслар орқали амалга оширилгани ҳақидаги маълумотлар эса кулчилик муносабатларининг ички зиддиятларини очиб беради. Яъни, бир томондан, асирларни озод этиш сиёсати мавжуд бўлса, иккинчи томондан, уларни кул сифатида сотиш хавфи ҳам юқори бўлган. Бу ҳолат давлат назоратининг чекланганлиги ва кул бозорлари фаолиятининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Манбада, шунингдек, кулчиликнинг яна бир муҳим манбаи сифатида ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ аҳолининг мажбурий кўчиши ва парокандалиги кўрсатилади. Жанглар жараёнида аҳолининг бир қисми гаров сифатида олинган, айрим ҳолларда эса ҳарбий ҳаракатлар оқибатида оилалар парчаланиб, ҳимоясиз қолган аёллар ва болалар асирга олиниб, қулга айлантирилган. Айниқса, душман ҳудудларига қилинган ҳужумлар чоғида аҳоли яширинган жойлар аниқланиб, уларга ўт қўйиш, мол-мулкни талон-торож қилиш ва аҳолини асирга олиш амалиёти кенг қўлланган. Бу эса кулчилик муносабатларининг фақат ҳарбий асирлар билан чекланмаганини, балки тинч аҳоли ҳисобидан ҳам мунтазам равишда тўлдириб борилганини кўрсатади.

Шу тариқа, “Тухфат ул-хоний” манбаси таҳлили шуни кўрсатадики, XVIII аср Бухоро амирлигида кулчилик муносабатлари ички сиёсий беқарорлик,

маҳаллий ҳокимларнинг ўзбошимчалиги, ҳарбий тўқнашувлар ва аҳолининг мажбурий кўчишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланган ва ривожланган [1: 94].

Муҳаммад Раҳимбий ҳали расман ҳокимият тепасига келмаган даврдаёқ маҳаллий ҳокимликларни бўйсундириш мақсадида мунтазам ҳарбий ҳаракатлар олиб боргани тарихий манбалардан қайд этилади. Мазкур жараёнларнинг ижтимоий оқибатлари, айниқса, асирлар олиш амалиёти орқали кулчилик муносабатларининг шаклланиши ва кенгайиши билан бевосита боғлиқ бўлган. Жумладан, 1749 йил апрел ойида Муҳаммад Раҳимбий Кўҳак дарёси яқинидаги Туркистон қалъасига ҳужум уюштириб, турли ёш ва ижтимоий қатламга мансуб бўлган аҳолини оммавий равишда асирга олган ва уларни Бухорога олиб келган [1:152]. Кейинчалик диний уламоларнинг аралашуви натижасида асирларнинг бир қисми озод этилгани қайд этилади [1:153]. Бироқ манбада айрим тоифадаги асирларнинг алоҳида ажратиб олингани ҳақидаги маълумотлар, уларнинг кул сифатида сақлаб қолинган бўлиши эҳтимолини кўрсатади.

Уруғлар ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар аҳоли ўртасида доимий қўрқув ва беқарорлик муҳитини шакллантирган. Бундай шароитда айрим ҳолларда аҳолининг ўз ихтиёри билан таслим бўлиши ёки хавфсизлик мақсадида бошқа ҳудудларга кўчиб кетиши кузатилган. Бироқ мажбурий кўчиш жараёнлари ҳамиша ҳам муваффақиятли кечмаган: йўл машаққатлари ва қуролли гуруҳлар ҳужуми натижасида қочқин аҳолининг бир қисми асирга олиниб, кейинчалик кулчилик муносабатларига жалб этилган.

1750 йил декабр ойида Шаҳрисабздаги кенагаслар томонидан Насафдаги манғитларга қарши ҳарбий юриш амалга оширилган ва унга жавобан Муҳаммад Раҳимбийнинг қарши ҳужуми натижасида кўплаб кенагаслар асирга олингани манбада баён этилади [1:170]. Ушбу ҳолат ҳарбий

тўқнашувларнинг кулчилик тизимини тўлдириб боровчи муҳим манбага айланишини кўрсатади.

Манғитлар ҳокимиятни мустаҳкамлаш жараёнида итоат этмаган қавм ва уруғларни бўйсундириш мақсадида дипломатик ва ҳарбий воситалардан бирдек фойдаланганлар. Бироқ қаршилик кўрсатган гуруҳларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўлланилган. Жумладан, Шаҳрисабз атрофидаги Сангфуруш дарёси ҳудудлари, Ғелон, Мусобозори ва бошқа қишлоқ ва қалъалардан катта миқдордаги ўлжа ва асирлар ҳокимият марказига юборилгани қайд этилади [1: 172].

Шунингдек, манба маълумотларига кўра, ҳарбий ҳаракатлар давомида фақат ҳарбийлар эмас, балки тинч аҳоли ҳам оммавий равишда асирга олинган. Қаршилик кўрсатган саркардалар ва нуфузли шахслар қатл этилган бўлса, қолган аҳоли қатламлари мол-мулкдан маҳрум қилиниб, Бухорога асир сифатида жўнатирилган [1: 194]. Уларнинг бир қисми кейинчалик қул бозорларида сотилгани ҳақида маълумотлар учрайди.

Шу тариқа, Муҳаммад Раҳимбийнинг ҳокимиятни қўлга киритиш ва марказлашган давлатни шакллантириш жараёнида олиб борган ҳарбий сиёсати кулчилик муносабатларининг кенгайишида муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Асирлар олиш амалиёти нафақат ҳарбий ғалабанинг натижаси, балки иқтисодий ресурс ва ижтимоий назорат воситаси сифатида ҳам хизмат қилган.

Манғитлар томонидан Самарқанд ва унинг атроф ҳудудларини бўйсундиришга қаратилган ҳарбий ҳаракатлар ҳам кулчилик муносабатларининг кенгайишида муҳим омиллардан бири бўлган. Жумладан, 1753 йил март ойида Ёрий ва Панжикент қалъаларига уюштирилган ҳужумлар натижасида катта миқдорда мол-мулк ва чорва давлат мулки сифатида ўзлаштирилган. Хусусан, биргина Панжикентдан 11 минг қўй, минг бош қорамол ва 500 та от олингани қайд этилади [1: 201]. Шу билан бирга, кўплаб аҳоли асирга олинган бўлиб, бу ҳолат ҳарбий

юришларнинг кулчилик ресурсларини тўлдиришдаги аҳамиятини кўрсатади.

Самарқанд ҳудуди манғитлар рақибларидан тозалангач, маъмурий бошқарувни таъминлаш мақсадида ҳокимиятга содиқ шахслар тайинланган. Манбада “даргоҳ қули” сифатида тилга олинган Одинақулга Ургут ҳудудининг топширилиши, кулликдан чиққан шахсларнинг давлат бошқарувида ҳам иштирок этганини кўрсатади [1:265]. Бу ҳолат қулларнинг фақат меҳнат ресурси эмас, балки сиёсий-ижтимоий тизимда муайян рол ўйнаганини англатади.

Бўйсунмасликни танлаган қурама ва юз қабилалари вакиллари ўз мол-мулкларини яшириш мақсадида Ёрий дарасига чекиниб, ҳудудни тарк этган. Бу ҳолатга жавобан Муҳаммад Раҳим томонидан юборилган ҳарбий қўмондонларга аввало уларни итоатга чақириш, акс ҳолда талон-торож ва асирлар олиш орқали жазолаш буйруғи берилгани қайд этилади. Манбада бу ҳолат “асир ва ўлжа олиш” (асиру торож ва ахзу ғорат) шаклида ифодаланган. Ҳарбий ҳаракатлар жараёнида мурқа эли билан бўлган тўқнашув натижасида аҳолининг турли қатламлари — жумладан, аёллар, болалар ва кексалар ҳам асирга олинган [1:208]. Бу эса кулчилик муносабатларининг фақат ҳарбий кучлар билан чекланмаганини, балки тинч аҳоли ҳисобидан ҳам мунтазам равишда кенгайиб бурганини кўрсатади.

Манбада Жиззах ҳудудидаги айрим қавмларнинг қароқчилик, йўлтўсарлик ва зўравонлик фаолияти билан шуғуллангани ва бунинг учун Муҳаммад Раҳимбий томонидан қаттиқ жазолангани ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади [1:215]. Бундай жазо чоралари ҳам кўп ҳолларда асир олиш ва уларни кулчилик муносабатларига жалб этиш билан яқунланган бўлиши мумкин.

1755 йил баҳорида Ўратепадаги юз қабиласига қарши амалга оширилган ҳарбий юриш ҳам асирлар олиш амалиётининг тизимли характерга эга бўлганини тасдиқлайди. Манба маълумотларига кўра, ушбу юриш давомида асирлар олиш ва душманни йўқ қилиш рағбатлантирилган:

ким душман бошини келтирса, ким асир (банди ёки қул) олиб келса ёки ҳарбий ўлжа қўлга киритса, турли мукофотлар билан тақдирланган. Ҳатто қуйи даражадаги хизматчиларнинг ҳам асирлар олишдаги иштироки рағбатлантирилгани қайд этилади [1:225]. Бу ҳолат асирлар олиш амалиётининг тасодифий эмас, балки давлат томонидан қўллаб-қувватланган ва иқтисодий-сиёсий манфаатлар билан боғлиқ тизимли механизмга айланганини кўрсатади. Шу тариқа, ҳарбий юришлар натижасида қўлга киритилган асирлар Бухоро амирлигидаги қулчилик муносабатларининг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, асирлардан фақат ҳарбий ўлжа сифатида эмас, балки ахборот манбаи сифатида ҳам фойдаланилган. Жумладан, Зомин дарёси яқинидаги Ём қалъаси аҳволи ҳақида маълумот олиш мақсадида аҳолини асирга олиш (бани қилиш) амалиёти қўллангани қайд этилади [1:220]. Бу ҳолат асирларнинг ҳарбий-стратегик мақсадларда ҳам муҳим аҳамият касб этганини кўрсатади.

1755 йил рамазон ойида (май-июн) Ўратепа қалъасини эгаллаш учун амалга оширилган ҳарбий ҳаракатларда турли сиёсий кучлар иштирок этган. Хусусан, Қир дарасидаги тўқнашувда Дониёл оталиқ бошчилигидаги кўшинлар, Қўқон бўлинмаси (Эрдонабек раҳбарлигида) ва Жўмакул мингбоши бошчилигидаги афғон отрядлари иштирок этган. Ушбу жанг натижасида Фозилбек ва Муҳаммадаминбий юзга қарашли кучлардан жами 270 киши қатл этилган ёки асирга олингани қайд этилади [1:226]. Манбада Муҳаммадаминбийнинг ҳарбий ҳаракатлари доирасида аҳолининг айрим тоифалари, айниқса, аёллар ва болаларнинг асирга олинishiга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, у Ўратепадан қайтиш чоғида Маликони Фон ҳудудидан бир қатор аёллар ва болаларни асир сифатида олиб кетгани қайд этилади [1:265]. Бу ҳолат қулчилик муносабатларининг демографик таркибини кўрсатиб, меҳнат ва савдо мақсадларида айниқса химоясиз

қатлам вакиллари устувор равишда асирга олинганини англатади.

Шунингдек, манбада Муҳаммадаминбийнинг фаолияти давомида қўллаб асирлар ва ўлжалар қўлга киритгани, улар орасида айниқса заиф ва химоясиз тоифалар (аёллар ва болалар) устун бўлгани таъкидланади [1: 279]. Бу ҳолат қулчилик муносабатларининг иқтисодий йўналишини, яъни асирларни кейинчалик сотиш ёки хизматга жалб этиш мақсадида танлаб олиш амалиёти мавжуд бўлганини кўрсатади.

1757 йил баҳорида Ҳисор вилояти атрофида юзага келган сиёсий вазият ҳам қулчилик муносабатларининг яна бир муҳим жиҳатини очиб беради. Муҳаммадаминбийнинг яқин тарафдорлари – Амонкул, Амонбоқий ва Шофёъ Ғалча бошчилигидаги гуруҳлар 2-3 минг кишилик кўшин билан Ҳисор водийсидаги мустаҳкам қалъаларда жойлашиб, марказий ҳокимиятга қарши муҳолифатда бўлган. Манбада уларнинг асосий фаолияти сифатида одам ўғирлаш, йўлтўсарлик ва талончилик қайд этилади [1: 274]. Мазкур ҳолат қулчилик муносабатларининг фақат давлат сиёсати доирасида эмас, балки норасмий ва ярим мустақил ҳарбий гуруҳлар фаолияти орқали ҳам кенг тарқалганини кўрсатади. Айниқса, одам ўғирлаш ва уларни сотиш амалиёти қулчилик бозорининг барқарор талабига жавоб берувчи муҳим манба сифатида намоён бўлган. Шу тариқа, таҳлил қилинган маълумотлар асирлардан фойдаланишнинг кўп қиррали хусусиятга эга бўлганини кўрсатади: улар ҳарбий ахборот манбаи, иқтисодий ресурс ва ижтимоий назорат воситаси сифатида хизмат қилган. Бу эса Бухоро амирлигида қулчилик муносабатларининг мураккаб ва кўп босқичли тизим сифатида шаклланишини тасдиқлайди.

Муҳаммад Раҳимхон ва Қўқон хони Эрдонабий ўртасидаги сиёсий муносабатлар ўзаро манфаатдорлик ва дипломатик алоқалар асосида шаклланган бўлиб, бу жараёнда қуллар ҳам ўзига хос сиёсий-дипломатик ресурс сифатида намоён

бўлади. Жумладан, Эрдонабий томонидан Муҳаммад Раҳимхон ҳузурига “тўққиз” (келинларга юбориладиган анъанавий совғалар мажмуаси) таркибида қалмоқ куллари ва жориялар, шунингдек, ов кушлари, курол-яроқ ва зотдор отлар тақдим этилгани қайд этилади [1: 222]. Бу ҳолат кулларнинг нафақат иқтисодий, балки сиёсий рамзий қийматга ҳам эга бўлганини кўрсатади.

Шу билан бирга, манбада асирлар олиш амалиётини чеклашга қаратилган келишувлар мавжудлиги ҳам қайд этилади. Хусусан, Фозилбий юз томонидан Хўжанд ва Ўратепанинг таслим бўлиши муносабати билан Муҳаммад Раҳимхонга элчи юборилиб, ўзаро асир олишни тўхтатиш, раиятни банди қилишдан воз кечиш, шунингдек, аҳолини талон-торож қилиш ва зўравонлик ҳаракатларини чеклаш бўйича келишувга эришилган [1: 228]. Бу ҳолат кулчилик муносабатлари муайян сиёсий келишувлар орқали тартибга солинганини кўрсатади.

1756 йил баҳорида қўнғирот элларини бўйсундириш жараёнида кулчилик амалиёти яна бир муҳим сиёсий восита сифатида намоён бўлади. Жумладан, қаршилик кўрсатган Абдолга қарши ҳарбий ҳаракатлар натижасида аҳолининг мол-мулки мусодара қилиниб, аёллар ва оила аъзолари асирга олинган. Улар Қарши томонга юборилиб, “аҳлу аёлини қайтариб олишни истаганлар ҳокимиятга бўйсунсин” мазмунидаги шарт қўйилган [1: 233-234]. Бу ҳолат кулчиликнинг фақат иқтисодий эмас, балки аҳолини сиёсий жиҳатдан бўйсундириш воситаси сифатида қўлланганини кўрсатади.

Худди шундай, Бойсун ҳокими Бадалбий қўнғирот манғитлар томонидан аҳолига нисбатан қўлланилган зўравонлик ва асир олиш амалиётини инобатга олган ҳолда, ўз ихтиёри билан итоат этишни маъқул кўрган [1:257]. Бу эса кулчилик таҳдиди ҳам сиёсий қарорларга таъсир этувчи омилга айланганини англатади. Аксинча, Дехнав ҳудудида келишувга эришилмаган ҳолларда аҳолининг оммавий равишда асирга олиниши ва бошқа ўлжалар билан бирга

марказга юборилиши кузатилади.

Дониёлбий оталиқ ҳокимиятга келгандан сўнг маҳаллий ҳокимликларнинг қайта мустақилликка интилиши сиёсий бекарорликни кучайтирган ва бу ҳолат аҳолининг қашшоқлашувига олиб келган [1: 259]. Жумладан, Фозилбий юзнинг Бухорога қарши ҳаракатлари натижасида бўлиб ўтган жангларда амирзода Шоҳмурод томонидан икки минг нафар киши асирга олиниб, аввал Карманага, сўнг Бухорога юборилгани қайд этилади [1:295]. Уларга кишан ва тавқ солиниши асирларнинг кулчилик муносабатларига жалб этилганини кўрсатади.

1760 йил баҳорида Дониёлбий топшириғига биноан Тобканд ҳудудидаги хитой қавм қалъасининг забт этилиши натижасида икки юз нафар асирлар Бухорога юборилган ва қатл этилган. Кейинчалик аёллар ва болаларнинг озод қилиниши қайд этилади [1:300]. Бу ҳолат асирларга нисбатан муносабатда муайян табақалашув мавжуд бўлганини кўрсатади.

1768 йилдаги ҳарбий ҳаракатлар ҳам кулчилик муносабатларининг кенг қўламлилиги ва аҳолига таъсирини намоён этади. Самарқанд атрофида юз берган тўқнашувлар натижасида аҳолининг катта қисми хонадонларидан маҳрум бўлиб қашшоқлашган, шу билан бирга, марказга кўплаб ўлжалар ва асирлар олиб келинган [1: 338].

Манба таҳлили шуни ҳам кўрсатадики, “кул” ва “ғулом” атамалари доимо бир хил маънода қўлланилмаган. Хусусан, туркий “ғул” сўзи айрим ҳолларда қўшиннинг марказий қисми ёки асосий кучини англатган бўлса, “ғулом” атамаси кўпинча сарой хизматидаги содиқ ва фидойи шахсларга нисбатан ишлатилган [1: 58,76]. Айрим ҳолларда улар давлат хизматида юқори мақомга эга бўлган шахслар сифатида ҳам тавсифланиб, “гардунғулом” (осмон қадар чўзилган) ёки “кайвонмадор” (қадри баланд) каби юксак мақтов билан аталган. Бу ҳолат кулчилик тушунчасининг манбада бир маъноли эмаслигини, балки ижтимоий-сиёсий контекстга қараб турлича мазмун касб этганини кўрсатади. Шу

тариқа, “қул” тушунчаси Бухоро амирлигида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий мазмунларда қўлланган мураккаб ижтимоий тоифа сифатида намоён бўлади.

Манғитлар сулоласининг ҳокимиятга келиши жараёнида диний уламоларнинг таъсири сезиларли бўлгани маълум. Шу боис, амирликда исломий кадриятлар ва меъёрларга амал қилишга интилиш кузатилади. Ислом таълимотида инсонни ноҳақ қул қилиш қораланиши, инсоннинг фақат Аллоҳга банда экани ғоясининг устуворлиги таъкидланади. Бироқ тарихий амалиётда мазкур тамойиллар ҳар доим ҳам ижтимоий воқелик билан тўлиқ мос келмаган.

Шарқ мамлакатлари тарихида кулликдан юксак давлат лавозимларига кўтарилган шахслар мисоллари ҳам маълум. Хусусан, туркий “ғулом”лар Мисрда (мамлуклар), Ҳиндистонда ва Ғазна давлатларида сиёсий ҳокимиятга эришган ҳолатлар қайд этилган. Бу ҳолат “ғулом” атамасига нисбатан муносабатнинг бир маъноли эмаслигини, унинг мазмуни давр ва ижтимоий шароитга қараб ўзгариб бормаслигини кўрсатади.

Манғитлар даврига оид манбалар таҳлил шуни кўрсатадики, “ғулом” атамаси кўп ҳолларда классик маънодаги қул эмас, балки саройга садоқатли, хизматга тайёр шахс маъносида қўлланилган. Бу ҳолат сарой тарихчилари томонидан амирликни идеаллаштиришга уриниш билан ҳам изоҳланиши мумкин. Яъни, жамиятдаги ижтимоий тафовутларни юмшатиб кўрсатиш, ҳокимиятга нисбатан ижобий муносабат шакллантириш ва янги сулоланинг легитимлигини мустаҳкамлаш мақсадида муайян услубий ёндашув қўлланган бўлиши эҳтимол.

Шу билан бирга, манбаларда кулликдан чиққан шахсларнинг давлат бошқарувида юқори лавозимларга эришгани ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди. Масалан, келиб чиқиши эроний кулларга мансуб бўлган Давлатбий қўшбегининг юқори мансабга эришгани қайд этилади [1: 11]. Бу ҳолат куллик тизимида муайян ижтимоий мобиллик элементлари мавжуд бўлганини кўрсатади. Бироқ манбалар таҳлили шуни

кўрсатадики, кулчилик муносабатларининг асосий кўриниши асир ва тутқунлар орқали намоён бўлган. Айниқса, урушлар ва босқинлар натижасида қўлга олинган аҳоли қатламлари мулкдорлар томонидан эксплуатация қилинган, уларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кузатилган.

Муҳаммадвафо Карминагий асарларида кулчилик билан боғлиқ жараёнлар “тохт”[1:202], “чопғун” [1:215], “чоповул” [1:338] каби истилоҳлар орқали ифодаланган. Ушбу тушунчалар кутилмаган босқин, талон-торож ва аҳолини мажбуран асирга олиш жараёнларини англатиб, кулчилик муносабатларининг шаклланиш механизмини очиб беришга хизмат қилади. Бу жиҳатдан, Садриддин Айнийнинг “Қуллар” асарини [2] дастлаб “Тохтбози” деб номлаши ҳам тарихий анъананинг давомийлигини кўрсатади.

Манбада асирлар ва тутқунларга нисбатан қўлланилган жазо чоралари ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилади. Жумладан, уларни қатл этиш, махсус тавқлар (душоха) солиш, оммавий равишда жазолаш, дорга осиш ёки бошқа қаттиқ жазо усуллари қўллаш ҳолатлари қайд этилган. Шунингдек, асирлар ва тутқунлар амир ҳузурига олиб келиниб, махсус тартибда кўрикдан ўтказилгани ҳам таъкидланади [1: 281]. Ушбу маълумотлар Бухоро амирлигида кулчилик муносабатлари фақат иқтисодий ёки ҳарбий омиллар билан чекланмаганини, балки ҳуқуқий, ижтимоий ва мафкуравий жиҳатлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган мураккаб тизим сифатида шаклланишини кўрсатади.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хулоса қилиб айтганда, “Тухфат ул-хоний” асаридаги маълумотлар Бухоро амирлигида куллик муносабатлари мураккаб ижтимоий-сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисми бўлганини кўрсатади. Тадқиқот натижалари асирлар олиш амалиёти кўпинча ҳарбий юришлар билан чамбарчас боғлиқ бўлганини, куллик тизими эса нафақат иқтисодий эҳтиёжларни қондириш, балки аҳолини бўйсундириш, сиёсий назоратни мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимиятини кучайтириш воситаси

сифатида ҳам хизмат қилганини тасдиқлайди.

Шунингдек, Муҳаммад Вафо Карминагийнинг қарашлари орқали XVIII аср Бухоро амирлигидаги ҳарбий-сиёсий муносабатлар, асирлар масаласи ва давлат бошқаруви билан боғлиқ жараёнларни янада чуқурроқ англаш имконияти юзага келади. Мазкур манба Бухоро амирлигида қуллик тизимининг кўп қиррали ва функционал

характерга эга бўлганини ёритишда муҳим тарихий манба сифатида аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, “Тухфат ул-хоний” асарини манбашунослик ва тарихий таҳлил асосида янада чуқур ўрганиш XVIII аср Марказий Осиёсидаги ижтимоий ва сиёсий муносабатларни тадқиқ этишда муҳим илмий аҳамиятга эга.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ/ REFERENCES):

1. Муҳаммадвафои Карминағӣ. Тӯҳфат-ул-хонӣ. Муқаддима, таҳияи матн, нусхабадал, таълиқот ва феҳристҳои Ҷамшед Ҷӯразода ва Нурулло Ғиёсов– Хучанд: Нури маърифат, 2017.
2. Айний Садриддин. Қуллар. – Тошкент, 1964.
3. Файзиев Т. Бухоро хонлигида қул савдоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970.
4. Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.) –Алматы: Дайк-Пресс, 2004.